

УДК:8-1/-9+14

ТАТАББУДА ШАКЛ ВА МАЗМУН

ФОРМА И СОДЕРЖАНИЕ В “ТАТАББУ”

FORM AND CONTENT IN «TATABBU»

З.Қобилова, Э.Қобилова

Аннотация

Мақолада Ҳамзанинг “Ўзбек хотин-қизларига” ғазали Амирий ва Фазлий каби салафларининг айни вазн, радиф, қофия ва бадиий санъатлар асосида яратилган ғазаллари билан қиёсан ўрганилиб, унинг Фазлийнинг Амирий ғазалига татаббуси таъсирида ёзилган бутунлай янги асар эканлиги кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье газель Ҳамзы “Узбекским женщинам” изучен в сопоставлении с газелями его предшественников Амири и Фазли, созданных на основе метра, радифа, рифмы и других стихотворных форм, при этом показано, что газель Ҳамзы представляет собой совершенно новое произведение, написанное под влиянием татаббу Фазли к газели Амири.

Annotation

The article compares Hamza's "Uzbek Women" with Ghazi's predecessors, such as Amiri and Fazli, with the same weight, radif, rhyme, and artistic ghazals, and shows that it is a completely new work written by Fazli's introduction to Ghazi.

Таянч сўз ва иборалар: ғазал, “татаббу”, вазн, радиф, қофия, ўзига хослик, маҳорат.

Ключевые слова и выражения: газель, “татаббу”, радиф, рифма, своеобразие, мастерство.

Keywords and expression: gazelle, tatabbu, metre, radif, rhyme, uniqueness, skill.

Қўқон адабий муҳити асосчиси ва ҳомийси, унинг забардаст намояндаларидан бўлган Амирий ўзининг санъаткорона хассос ғазаллари билан ўз ва ундан кейинги даври шоирларига кучли таъсир кўрсатгани маълум. Бу таъсир изларини биз Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирлардан тортиб то Ҳамзагача кўрамиз.

Амирийнинг Ҳамзага таъсири ҳақида сўз кетганда, барчанинг кўз олдида “Ўзбек хотин-қизларига”[1.226] ғазали келади. Чунки бу замонавий руҳ ва мазмундаги ғазалини Ҳамза ўзининг яқин ўтмишдаги салафи Амирийнинг “Лаб ўғур такаллумға, зулфингни паришон қил”[2.218] мисраси билан бошланадиган машҳур анъанавий ғазали йўлида битган.

Бу ғазалга Фазлий, Ҳотиф, Нола, Фазлий, Хижат, Фоний каби Қўқон адабий муҳити шоирлари татаббу қилганлар. Лекин Ҳамза ғазалини Амирий ва Фазлий ғазалларига қиёсан ўрганиш унинг татаббуга асосланган ғазалдан эмас, балки татаббудан таъсирланганини кўрсатади. Бунга Фазлий ғазалининг[3.218] ашулага айланиб, “Шашмақом” таркибидан ўрин эгаллагани ва халқ ичида машҳурлиги ҳам сабаб бўлса керак. Таниқли адабиётшунос Маҳмудали Юнусов ҳам айни фикрни илгари сурган эди: “Янги Фарғона” газетасининг 1927 йил 22 февраль сонидида босилган бу асар XIX аср Қўқон шоири Фазлийнинг “Гул юзингда зулфингни боғ аро паришон қил”,

деб бошланадиган ғазалига жавобдир”[4.123]. Адабиёт тарихида бундай мисоллар кўп. Узоққа бориб ўтирмайлик: Алишер Навоийнинг машҳур “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”) қасидаси ҳам Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” (“Яхшилар дарёси”) қасидаси йўлида Абдурахмон Жомийнинг “Лужжат ул-асрор” (“Сирлар денгизи”) қасидасига татаббу тариқасида яратилган. [5.755-758]

Маълумки, “Мажмуаи шоирон” тазкирасида Фазлий аввал Амирийнинг муайян ғазалини, кейин эса Қўқон адабий муҳити шоирларининг унга боғлаган татаббуларини келтиради. Жумладан, Амирийнинг “Лаб ўғур такаллумға, зулфингни паришон қил” мисраси билан бошланадиган ғазалидан кейин ҳам аввал ўзининг, сўнг бошқа шоирларнинг айни ғазалга ва “тамошо қил” радифли ғазалига татаббуларини навбати билан беради. Бундан Фазлий ва Ҳамза татаббуларига асос бўлган манба Амирий ғазали эканлиги кўринади.

Маълумки, “татаббуда шакл унсурлари алоҳида мавқега эга бўлади. Чунки татаббудаги издошлик, эргашиш, аввало, шакл унсурлари вазн, қофия, радиф кабиларда намоён бўлади. Буни лирик шеърлардан тортиб эпик асарларгача кузатиш мумкин. Чунончи, асос ғазалдаги вазн ва радиф кабилар татаббу ғазалда ҳам албатта бўлади. Барча татаббу ғазаллар бунинг ёрқин мисолидир”.[6.10] Ҳамзанинг “Ўзбек хотин-

Зебо Қобилова – Қўқон ДПИ доценти.

Эъзоз Қобилова – Қўқон ДПИ катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

қизларига” ғазали ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки шоир Фазлий ғазалидан илҳомланиб, салаф шоир йўлида янги ғазал битган. Татаббу ғазалнинг вазни асос ғазалники – ҳазажи мусаммани солими аштар (фоилун мафоилун фоилун мафоилун). Радиф ҳам ўша – “қил”. Қофияланиш тарзи ҳам айнан: Фазлийда: намоён, паришон, бағри қон, хижрон, гулистон, меҳмон, шоҳи мардон, сурмаи Сулаймон; Ҳамзада: намоён, паришон, бағрини қон, гулистон, дармон, пушаймон, жавлон, сурмаи Сулаймон;

Ҳамза:

Келди очилур чоғи ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.

Фазлий:

Гул юзунгда зулфингни боғ аро намоён қил,
Лола бирла сунбулни доғ этиб, паришон қил.

Амирий ғазали матласи эса биров фарқли:

Лаб ўгур такаллумға, зулфингни паришон қил,
Қанд қийматин синдур, нархи анбар арзон қил.

Бу ҳолни иккинчи байт қиёсида ҳам кўрамиз:

Ҳамза:

Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.

Фазлий:

Лолагун қабо жайбин тугмасин очиб гоҳи,
Гул яқосини чок эт, ғунча бағрини қон қил.

Амирийда бу байт ҳам фарқли:

Ҳусн шоҳисан, жоно, бу ҳазин гадоларга,
Кўз учи била боқиб, хайр ила эҳсон қил.

Амирий ва Фазлий ғазаллари маъшуқа гўзаллиги таърифига бағишланган анъанавий васф ғазал бўлиб, бошдан-оёқ ҳусн қирралари тавсифидан иборат бўлса, Ҳамза янги замон тақозосига кўра бу нафис хилқатнинг озод бўлиши, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан баробар фаолият кўрсатиши, таълим олиб, илм-маърифат эгаси бўлиши, нафақат юзи, кўзи ҳам очилиб, ақли ҳам ривожланиб, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши ғоясини илгари суради ва Фазлийга қарама-қарши унинг боққа кириб, ҳусни билан гулнинг ёқасини чоку ғунча бағрини қон қилишини эмас, балки мактабга бориб, билим олиб, илму фан қуроли билан жаҳолат бағрини қон қилишини истади.

Ҳамза ғазали 7 байтдан иборат бўлгани учун учинчи байтида яна Фазлий қўллаган “гулистон” қофиясига мурожаат қилинади: Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,

Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.

Фазлийда:

Соқие, юзинг акси қилди бодани гулгун,
Лоларанг соғар тут, базмни гулистон қил.

Ҳамза хотин-қизларнинг энди сояларда – чор девор ичида сарғайган юзи озодлик нури билан порлаб, илму маърифат аҳли даврасига файз бахш этишини хоҳлайди.

Ҳамза ғазалининг бешинчи байтидаги қофиягина Амирий ғазалининг тўртинчи байтидаги қофияга мувофиқ келади:

Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни,

Юзларин қаро айлаб, феълидан пушаймон қил.

Амирий:

Эҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқий,
Бир қадаҳ бирла онинг зухдидан пушаймон қил.

Ҳолбуки, бу, Фазлий татаббусининг учинчи байтига мувофиқ келади:

Давлати висолинга шукр этмаганларни.
Ғам ўтига доғ айлаб, мубталои ҳижрон қил.

Бу ерда Ҳамза байти Фазлий байти таъсирида яратилган бўлиб, мазмунан унга зид маънода: “висол давлатига шукр этмаган” жумласи ўрнига “оналик ҳуқуқини ҳурмат этмаганлар” ва мутаносиб равишда “ғам ўтига доғ айлаш” – “юзларини қаро айлаш”, “мубталои ҳижрон қил” – “феълидан пушаймон қил”.

Амирий ғазалининг эса учинчи байти Ҳамзанинг айна байти билан муайян даражада яқинликка эга:

Ишқ динига мункир бўлса зоҳиди худбин,
Эй санам, лиқо кўрсат, габрни мусулмон қил!

Ҳамза ғазалининг мақтасидаги қофиягина ҳар икки салафининг ғазалига муштарак:

Сен қачон маорифнинг даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб, кўзга сурмаи Сулаймон қил.

Лекин бундай қофияли байт Фазлийда мақта бўлиб келган бўлса, Амирийда мақтадан олдинги байт бўлиб келади:

Фазлий:

Фазлиё, Умар султон даргоҳига йўл тобсанг,
Кўзларингга тупроғин сурмаи Сулаймон қил.

Амирий:

Шўхчашму навхатсан, ноз даштида сайр эт,
Гарди хоки пойингни сурмаи Сулаймон қил!

Лекин Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасида “сурмаи Сулаймон” ибораси ўрнида “сурмаи ғизолон” келганки, у мантиққа мувофиқ:

Шўх чашми навхатсен, ноз даштида сайр эт,
Гарди хоки пойингни сурмаи ғизолон қил.[3.218]

Чунки бу ерда дашт тушунчаси кийиклар билан кўпроқ боғланади.

Мазмунан эса бу байт ҳам Фазлий таъсирида яратилганлиги яққол кўриниб турибди. Фазлий Умар султон даргоҳига йўл топиш ҳақида гапирса, Ҳамза маориф муассасасига йўл топишга ундайди.

“Муайян бир етук асарга мазмун ва шакл жиҳатдан муштарак, лекин айна пайтда оригинал хусусиятларга эга бўлган, янги ва мустақил асар” [6.10] лар ҳам бўлади. Ҳамза ғазали ҳам вазн, радиф ва қофия тизими, бадий санъатлар, яъни шаклий жиҳатдан “Фазлий ғазалига ўхшаган ҳолда, мазмунан унга бутунлай қарши қўйилган”. [4.123] Фазлий ғазали ишқий мавзуга бағишланган бўлса, Ҳамза татаббуси хотин-қизлар озодлиги мавзуида бўлиб, янги даврда у гўзал қавмнинг эркаклар билан тенглиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққан. Бинобарин, айна ғазал шаклан Фазлийга татаббу бўлса ҳам, мазмунан мутлақо янги ғазалдир. Айна пайтда у худди Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси каби татаббу асосида яратилган татаббу ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ҳ а м з а. Сайланма. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
2. А м и р и й. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). -Т.: Tamaddun.
3. Мажмуаи шоирон. – Т.: “Тафаккур қанотлари”.
4. Ю н у с о в М. Ҳамза Ҳакимзода лирикасида анъана ва новаторлик масалаларига доир \\\ Барҳаёт анъаналар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти.
5. Бу ҳақда қаранг: А л и ш е р Н а в о и й. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин \\\ Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 5-жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
6. Ф а й з у л л о е в Б. Ўзбек шеърлятида татаббу тарихи ва маҳорат масалалари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Т., 2002.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).